



ТЕРГОВЧИЛИК ОСОНМИ?

Маълумки, ҳар қандай ички ишлар бўлими терговчи қўлида 15-20 та жиноий иш ҳамда 5-10 та материал бўлади. У ана шу нарсаларни бир ой ичида у ёқли ёки бу ёқли қилиши керак. Энди терговчи шунча юмушни кўрсатилган муддат ичида қандай қилиб бажарсин?

Жиноий ишни юритиш тартибига кўра у битта иш бўйича икки ой тергов ва битта материал бўйича 10 кун суриштирув ҳаракатларини олиб бориши керак. Шу муддат ичида айбдорларни судга юбориши, материаллар бўйича мувофиқ қарорлар қабул қилиши лозим. Юқорида айтганимиздек, агарда унинг қўлида 20 та жиноий иш бўладиган бўлса, ўрта ҳисобда бир ярим кунда битта жиноий иш муддати келиб турибди. Бечора терговчи улгуриш учун кечаси ҳам, кундузи ҳам машинкасини чиқиллатиши лозим («бечора» деганим учун ҳамкасбларимдан узр сўрамоқчи эмасман, кимга ёқмаса, ўз муносабатини билдирар). Нима учун дейсизми? Ахир, ҳар бир жиноят иши ортида битта инсон тақдирини турибди. Уни адолат юзасидан ҳал қилиш учун кам деганда 70—80 варақ тўлдирингиз керак. Аралаш жиноятлар учун эса бир дунё қоғоз қоралашга мажбур у.

Баъзан: «Сизларга маза, қачон қараса, машинангизни у ёқдан-бу ёққа физиллатиб юраверасизлар», — деган гапларни эшитиб қоламан. Ич-ичимдан эзиламан. Тўғри, агар терговчи фаолиятини синчковлик билан кузатадиган бўлсангиз, чиндан ҳам у ИИБдаги ўз хонасида нари борса уч-тўрт соат ўтириши мумкин. Яна нега дейсизми? Ҳозир бошқа пайтларда қандай ишлар билан шуғулланишини айтиб бераман. Энг муҳими автофалокат, муштлашув, безорилик туфайли жароҳат олганларнинг касаллик тарихи карталарини шифохоналардан олиб келиши керак. Шифохона туман марказида бўлса яхши, бунга нари борса, 20 дақиқа вақт кетади, дейлик. Лекин оғир жароҳат олганлар шаҳар, вилоят ва ҳатто жумҳурият пойтахтидаги шифохоналарга юборилади. У ерларда касаллик тарихи ҳужжатлари фақат терговчигагина берилади, холос. Демак, терговчи машинани ўша ёққа қараб физиллатиши керак (машинани йўқ терговчилар ўз дардларини ўзлари айтишини).

Шифохонага (қаерда бўлса ҳам) бориб келган терговчи суд-тиббийт ёки бошқа экспертиза ўтказиш учун машинкада қарор ёзади, сўнгра уни касаллик тарихи картасига қўшиб қўлтиқлаганча экспертизага юради. Экспертиза деганлари қишлоқ жойлари нари турсин, туман марказларида

ҳам йўқ. Бу соҳада ишлайдиганлар шаҳар, вилоят марказларини хуш кўришади. Бир кунни йўқотиб, экспертиза ўтказишни тайинлаб келган терговчи хулосани олиш учун яна ўша ерга боришга мажбур. Унга биров олиб келиб бермайди. Тўғрида, чунки у «ўзининг» ишини қилапти, «давлатнинг эмас» (энди қизишайман, шекилли). Шундан кейин беш-олти кун хонасига қамалиб олиб, ишлаши мумкин, дейсизми? Йўқ, яна янглишдингиз. Ишга шўнғиб, айбланувчига айбларини шарт-шурт айтаётган пайтда телефони «жиринг-жиринг» қилади ва ундан: «Олдимга киринг!» — деган овоз эшитилади.

Ёқмаса ҳам айбланувчини ташқарида қолдириб, иккинчи қаватга кўтарилшига мажбур у. Бошқа илож йўқ, буйруқни бажаришга ўрганганмиз. Бир пайт яна битта ишни олиб чиқадида, ҳорғин кайфиятда чала ҳужжатлар устига ташлайди.

Фикримни билдираман

Булар ҳаммаси унинг ўз фаолияти учун зарур бўлган юмушлар. Гап шундаки, ҳали ўзига боғлиқ бўлмаган «югур-югур»лари ҳам бор. Мана улар: кунда камида икки марта прокуратурага кириб чиқиши шарт, биринки йил олдинги ишлар бўйича ҳисоб бериш учун вилоят прокуратурасига ойда камида икки марта, жумҳурият прокуратурасига эса бир марта бориш керак (ўзлари қақриб олишади). Бундан ташқари ИИБ раҳбарларига турли справкалар ёзиш, автофалокат, ўғирлик, қотиллик ва бошқа жиноятлар юз берган жойга бориш, жиноятчи ҳибсга олингач, унинг кўргазмаларини текшириш учун яна воқеа жойига югуриш, тергов тажрибаси учун яна ўша жойга бориш каби машмашалар ҳам борки, ҳозирча бу ҳақда тўхталганим йўқ. Хўш, бу ҳаракатларни терговчи хонасида ўтириб қандай бажарсин? Яна бошқаларнинг «ҳавасини келтириб» машинани «физиллатиб» ўтишга мажбур.

Ҳозирча унга тинчгина ишлаш учун кечаси қолапти. Бошқалар қатори ором олиш қаерда, иш кўп. Аввало бизда тайёр протокол қоғозлари етишмайди, агар эсингиз бўлса, уни кечаси ёзиб, кўпайтириб қўйишингиз керак, кундузи қийналмайсиз. Кейин айрим ишлар бўйича 2, айрим ишлар бўйича эса 10-15 варақ айб эълон қилиш қарорини ёзасиз. Бунинг кундузи қилиш мутлақо мумкин эмас, чунки бу пайтда тинчлик керак, акс ҳолда...

Ҳаммасидан ҳам масъулият талаб қиладигани — айб-лаш фикрини тайёрлаш. У жиноят иши бўйича тўпланган барча материаллар мазмунини ташкил этади. Унда айбдорнинг юзи рўй-рост кўриниб туриши керак. Бу иш ҳар қандай малакали мутахассисдан ҳам камида икки соат сарфлашни талаб қилади. Кўп кўринишли ишлар бўйича эса бир неча соат-лаб, ҳатто кунлаб вақтингиз кетади.

Яна ўзингиз машинкада ёзасизми, дейсизми? Агар шундай деб ўйлаган бўлсангиз, қизиқ, чунки иш материалларини кундузи машинкада ёзадиган ёрдамчи йўқ-ку, кечаси қаёқдан топамиз уни? Машинкани чиқиллатиб шунақа ўрганиб кетганмизки, ҳар қандай уста ходим ёки ходима билан тез ёзиш бўйича мусобақа ўйнашимиз мумкин.

Менимча, масаланинг ана шу томонига жиддий аҳамият бериш керак. ИИБдаги хонада сўроқ ёки суриштирув олиб бораётганимизда, хоҳ айбланувчи бўлсин, хоҳ гувоҳ — сўраб қолишади. «Ҳаммасини ўзингиз машинкада ёзасизми? Ишларингиз жуда оғир экан», — деб кўйишади. Шунда унга қарата: «Эй, қадрдон, қаттиқроқ гапиринг, ҳатто марказдагилар ҳам эшитсин!» — дегим келадди. Ваҳоланки, улар кўпинча сизнинг қитиқ-патингизга тегиш, таққирлаш кайфиятида айтишади. Шунга яраша жавоб қайтармасангиз, бу — дастлабки мағлубиятнингиз бўлади.

Тўғри, терговчига жуда катта ҳуқуқ берилган. У қонун асосида катта-катта жиноятларни очиши, тергов ҳаракатларини ўз вақтида тутатиб, милиция бошлиғи ёки прокурор қаршисида кўрагини фоз кериб туриши мумкин. Лекин имконият даражасида шароит билан таъминланмаганимиз доимо панд берапти. Терговчига машинкада ёзувчи ходим (ёрдамчи) сув билан ҳаводек зарур. Ҳозир ундаги иш вақтининг 90 фоизи машинка чиқиллатиш билан беҳуда ўтмоқда. Бу эса тергов ишларида қатор камчиликларнинг келиб чиқишига, жиноят ишларини ҳал этиш муддати чўзилиб кетишига, терговчи асабларининг тарагшлашига олиб келади.

Терговчи қарори асосида иш юритадиган экспертларни олиб кўринг. Ҳар бирида алоҳида хона, машинкада ёзувчи ходима, хонада со-вуткич, стол-стуллари оқ матодан ёпқич қилинган.

Бизга совуткич керак эмас, стулларимизга оқ матодан ёпқич шарт эмас, машинкада ёзувчи ходимга зор-миз. Ишимизга самара ва барака берадиган ёрдамчи зарур.

Анваржон РЎЗМАТОВ,
Фарғона вилояти Киров тумани ИИБ терговчиси милиция капитани.



Бугунги босқинчилар қўлидан нималар тортиб олинмайди, дейсиз! Қарши шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари босқинчилик ҳужуми билан фуқароларга жисмоний ва моддий шикаст етказиб келган жиноий гуруҳни фош этишди.

СУРАТДА: терговчи милиция капитани Қурбонмурод Хўжанов ва ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Жуманазар Бегматовлар далилий ашёлар билан танишмоқдалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ҚЎШИЛАМАН

Ўзномада эълон қилинган «Илгари ҳам судлаётган» номли мақолада илгари сурилган фикрга юз фоиз қўшиламан. Муаллиф кўпчиликнинг дилидаги ва тилидаги гапни топиб ёзган Қасддан одам ўлдирганларга, босқин-

чилик қилганларга, зўрлаб номусга текканларга фақат олий жазо муносиб. Жиноятчиликнинг олдини олишда бошқа йўлни кўрмайман.

Х. КАРИМОВА,
Самарқанд вилояти.

ҚЎШИЛМАЙМАН

Д. Саидовнинг «Менинг сўровларим» номли мақола-сини дастлаб ҳажвий асар бўлса керак, деб ўйлабман. Уқиб чиқдим у ҳафсалам пир бўлди. Аёл ҳақ. У директорми, раисми, котибми, мудирми, фоҳишамми — барибир аёл.

Кўп болалар аёлларга «Қаҳрамон она» унвони берилади.

Ҳақиқатдан ҳам у қаҳрамон. Унта болани ўстириш осонми? Яна қанчадан-қанча уй юмушлари!.. Юқоридагилар унинг қийинчилигини кўриб туриб, декретга чиқаришади. Нима, эркаклар шунга ҳам шерик бўлмоқчимиз?!

Д. БЕРДИБЕКОВА,
Сирдарё вилояти.



Жиззах вилояти ИИБ ДАНБ йўл назоратчиси милиция кичик сержанти Ботир Мавлонов ёшлигига қарамасдан ўз касбини пухта эгаллаган ходим ҳисобланади. Унинг назоратида турган йўлларда осойишталик бузилмаётгани ҳам шундан далolat бериб турибди.

СУРАТДА: Б. Мавлонов хизмат пайтида.

Сураткаш Мурод МАҚСАД.

1920-1925 йилларда Қурбон Жалилов ана шу ном билан оғизга тушган. Хўш, унинг ўзи ким эди?

Биз ана шу саволга жавоб топишга қаттиқ аҳд қилдик. Бунинг бирдан-бир йўли у кишини яқиндан билган одамлар суҳбатини олиш. Ана шу ниятда Андижон шаҳридаги Тўққизариқ маҳалласининг Учқун кўчасидаги 8-уй эшигини оҳиста тақиллатдик. Хайрият, қидирган одамимиз шу ерда экан. Файзли ҳовлидаги мевали дарахтлар соясида отаси изидан бориб, ички ишларда узоқ йиллар хизмат қилиб, пенсияга кузатилган Анварбек ака Жалилов билан мароқли суҳбат қурдик.

Анварбек ака табиат шайдоси экан. Бу ерда тўрқовоқларда беданаю какликлар бир-биринга гал бермай сайрашарди.

— Бу хислат менга отам раҳматликдан ўтган. — дейди Анварбек ака ва уйга кириб, эски ҳужжатлару расмлар сақланадиган қутичани олиб чиқди.

Биз ўша ҳужжатлар билан танишиб, мозийга — Инқилобгача бўлган йилларга сафар қилгандек бўлдик.

... Қурбон Жалилов 1895 йилда Андижон шаҳрининг Қўйбозор даҳаси (ҳозирги «Намуна» маҳалласи)да таваллуд топди. Унинг болалик йиллари ночорликда ўтади. Чунки отаси Абдужалил ака оддий камбағал киши эди. Ўзи йўқчиликни кўравериб, тинкаси обдон қурган ота ўғлининг келгусида тузукроқ одам бўлишини ният этиб, қўқонлик сирловчи-бўёқчиларга шогирдликка беради. Қўқонлик оғилар, йиллар ўтган сайин унинг малакаси ошиб бораверади. Ҳатто унинг ишлари сабоқ берган устозларини ҳам ҳайратга сола бош-

лайди. Лекин 15 ёшга тўлганда Абдужалил ака оламдан ўтиб, турмуш қийинчиликлари тўла маънода унинг зиммасига тушади.

1917 йилда инқилобнинг музаффар шабадаси Андижонда ҳам эса бошлайди. Шу йили у мусаввирлар уюшмасига аъзо бўлиб кирди. Бу уюшма таркибида фикри тиниқлашди ва бора-бора ўзининг ўрни янги олам тарафдорлари орасида эканлигини сезди. Большевиклар фирқасининг аъзолари ҳисобланмиш Д. Урюнин, Г. Бильдин, А. Урозалиев, Р. Раҳимбобоев каби инқилобчилар фаолиятини астойдил кузатиб борди. У 1919 йилда ҳеч



АНДИЖОНЛИК «ЧАПАЕВ»

иккиланмай шу фирқага кирди ва мусулмон отрядларидан бирида взвод командири этиб тайинланди.

Мана, кейинчалик унга берилган мандатлар. Бу ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, у Андижон уезд-шаҳар революцион комитети (раиси Раҳим Раҳимбобоев) қарори билан 1920 йилда Бозорқўрғон тумани ревкомининг раиси этиб тайинланган. Бу ерда у янги отрядлар тузиб, шу ҳудуддаги босмачиларни беш-олти ой ичида бартараф этган. Шундан сўнг Избоскан участка милицияси бошлиғи бўлиб келади. Унинг раҳбарлигида уюшайтган бандитлар ва босмачилар пайи қирқилди.

1922 йилда унинг жасурлиги ва мардлиги тилга тушди. Қурбон Жалилов Ербошига ревком раиси ва аини пайтда милиция отлиқ эскадронига командир этиб тайинланди. Бутун вужуди билан

Андижон музофотида шўролар ҳокимияти душманларига қарши шиддатли жанглар олиб борди. Айниқса, Фарғона водийсида ёв кучли бўлиб, етарли даражада ўқдорлар билан таъминланганди. Қўрбоши Мадаминбек уларнинг раҳнамоси эди. Ербоши, Қўшариқ, Миробод, Маслаҳат, Файзобод, Ҳакан атрофларида эса Қозоқ қўрбоши, Охун қўрбоши, Усар қўрбоши, Шермадат қўрбоши, Аҳмад қўрбоши, Аҳмадпансод каби қонхўрлар ўрнашиб олганди. Уларни тор-мор этишда ўзбек, рус, татар, тожик йигитлари елкама-елка туриб жанг қилдилар. Ана шу жангларда Қурбон Жалилов оёғи ва жағидан қаттиқ яраланди. Аҳволи тобора оғирлашиб бораётганига қарамай жанг майдонини тарк этмади. Эҳтимол, «андижонлик Чапаев» деган номни ўшанда олгандир.

Қурбон Жалиловнинг бу жасорати Бутуниттифоқ Марказий ижроия қўмитасининг 1923 йилги Фармонига мувофиқ Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Андижон уезд-шаҳар комитети қарорига мувофиқ эса унга мукофот тарзида оқ от берилди. Кейин у Тошкентдаги шифохоналардан бирида ётиб даволанди.

Саломатлиги тиклангандан кейин милициянинг жиноят қидирув бўлимида бошлиқ бўлиб ишлади. Яна беомон жангларда иштирок этди.

1933-1934 йилларда эса Норин-Қорадарё бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлади. Бу даврларда у ўзининг моҳир раҳбар эканлигини намойиш этди. Қишлоқ хўжалик ишларида ишлаб, улкан хирмон уюшни ихтиёр этиб юрган пайтларида унинг боши узра қора булутлар пайдо бўлди. 1935 йил 24 февраль куни туҳматчилар қўли баланд келди. Қурбон Жалилов одам ўлдирганликда айбланиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

— Қўнлардан бир куни ўзганлик бир татар киши бизниқига келди, — деб эслайди Анварбек ака. — У 1945 йилда Узоқ Шарқда Япония билан бўлган жангларда дадам билан бирга бўлган экан. Ўша кишининг гувоҳлик беришича, жангларнинг бирида дадам ханжар зарбидан ҳалок бўлган.

Ўғлинингизни қарангки, опам Сайёра ҳам, мен ҳам ўшанда у кишининг исми шарифини, турар-жойини сўрашни унутибмиз. Билганимиз шуки, падали бузрукворимизнинг жасади узоқ Шарқда қолиб кетган.

Маъмуржон БОЛТАБОВ,
Сирожиддин ҲАЙДАРОВ.

ОҚАР ДАРЁ ТЎХТАМАЙДИ

Милиционер формасига қочон ихлос қўйганини унинг ўзи ҳам эслолмайди. Лекин ўрта мактабни битиргач, отаси рўйхушлик бермагани ҳали-ҳануз ёдида.

— Муаллимликка ёки дўхтирликка ўқисанг — майли, лекин сени катта шаҳарга ким ҳам олиб боради. Мен дунё кўрмаган бир чўпон бўлсам, — дея устарада тоза қилиб сочи олинган бошини силанган хўрсиниб қўйганди ўшанда.

Йўқ, оқар дарё тўхтаб қолмас экан. Жозил устози Файбулла Тўхтамишев сўзига кириб, муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳига кириб ўқиди. Биноидек ўқитувчи бўлиб етишди ва ўрта мактабда болаларга сабоқ бера бошладди. Иши ёмон эмасди, лекин аҳён-аҳёнда юрагидаги орзу тош остидаги бойчечакдай бош кўтариб қоларди. Охири бўлмади. Нурота тумани ИИБ раҳбарларига бориб, кўнглидагини тўкиб солди. Ҳозир ҳам минг раҳмат айтади ўшаларга. Сазасини ўлдирдишмади. Балогатга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор қилиб ишга олишди. У тиришқоқлиги билан бўлим жамоаси ҳурмати қозонди. Айни пайтда Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик куллиёти тамомлади. 1989 йил октябр ойидан бери эса Қўшарбот тумани ИИБ бошлиғи лавозимида ишламоқда.

— Ўтган йилнинг олти ойида ҳудудимизда 45 та жиноят ҳисобга олинган ва шундан 5 таси очилмай қолган эди, — дейди милиция майори Жозил Турсунов. — Бу йил эса рўй берган 43 та жиноятнинг ҳаммаси фош этилиб, тартиббузарлар жазога тортилди.

Унинг бир пайтлар кечалари уйку бермаган орзуси ушалди. Тинчлик посбонлари орасидан муносиб ўрнини топди.

— Лекин инсон орзусиз яшолмайди, — дейди у, — қани энди, туманимизда бирорта ҳам қондабузарлик содир этилишига йўл қўймасак, одамлар чинакам бахтиёр ва хотиржам яшасалар. Ҳозирги орзуми шунақа.

Шавқиддин САМИЕВ,
«Поста»нинг жамоатчи муҳбири.

ЧАЙҚОВ БОЗОРИНИ КИМЛАР БОҚЯПТИ?

7 май кечки соат олти яримлар эди. ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция катта лейтенанти Мирсафар Мираҳмедов кўнглили халқ дружиначиси Жуманазар Жаҳонов билан биргаликда назоратдаги объектлардан хабар олгани кетаётган эди. Қўтилмаганда унинг нигоҳи рўпарадан келаётган юк машинасига тушди. Кўнглида аллақандай шубҳа уйғониб, машинани тўхтатишга қарор қилди. Адашмаган эди. Кузов камёб ва қимматбаҳо чинни, шиша идишлар билан лиқ тўла экан. Ҳисоб-китоб қилинганда, 4460 сўмлик юк борлиги аниқланди. Машина ҳайдовчиси Ю. нинг гувоҳлик беришича, бу идишлар Бектемир тумани марказий кўпмолли дўконининг хўжалик моллари бўлими омборидан ортилган. Шу бўлим мудираси Р. эса довдираб қолмади. Афтидан у бунақа ишларга устасифаранг бўлиб кетган кўринади.

— Ярмаркага олиб кетаётган эдим, — деди у бамайлихотир.

Афсуски, кеч кираётгани, туманда тунги ярмаркалар ҳали ташкил қилинмагани унинг сўзларини пучга чиқарди. Зудлик билан милиция майори А. Савин раҳбарлигида ВХСС бўлинмасининг махсус гуруҳи тузилди. Олиб борилган оператив қидирув ишлари жараёнида шу нарса

маълум бўлдики, фуқаро Р. кўпмолли дўкон кассасига пулини ўтказиб қўйиб, ноёб буюмларни бошқа жойга олиб бориб, устама нархда сотишни режалаштирган экан.

— Мен машинада шунча юк борлигини аниқ билмадим, — дейди М. Мираҳмедов. — Бўлмаса уни қаерга олиб боришларини кузатган бўлар эдим.

Шусиз ҳам кўп нарса аниқланди. Хусусан, хўжалик моллари бўлимининг омбори текширилганда, мудира умумий нархи 13449 сўмлик бўлган қимматбаҳо, тақчил маҳсулотларни яшириб қўйганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг дўконнинг хўжалик моллари бўлимида ҳисоб-китоб ишлари олиб борилди. Ва шу нарса аниқландики, умумий нархи 63970 сўмлик мол ҳисобдан ўтказилмаган экан. Шунча нарса қаерга кетгани номаълум.

Кўриниб турибдики, бўлим мудираси бунақа ишларни кеча ёки бугун бошлагани йўқ. Мунтазам шуғулланиб келган. Акс ҳолда у томдан тараши тушгандек таванкал қилишга журъат қилолмас эди.

Кўрдингизми, дўконлар ҳисобига чайқов бозорини кимлар бойтайпти! Ҳозир туман ИИБ ходимлари бу ишнинг илдизини қидиришяпти.

Исмон ШОМУРОДОВ.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси жумҳуриятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш муаммоларига бағишланди. Мажлис 12 август куни Тошкентда бўлиб ўтди. Мажлисни комитет раиси Э. Ҳ. Ҳалилов бошқарди. Безориликка, фуқаролар-

нинг шахсий мулки талон-торож қилинишига ва ўғирликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисидаги ахборот тингланди. Муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Комитет мажлисида «Ўзбекистон ССРда халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда маъмурий-ҳудудий

қурилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонуларининг лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Комитет ишида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши бошқа комитетларининг раислари қатнашдилар. (ЎЗТАГ).

Улар сайрдан тахминан соат бирларда қайтишди, ечиняшди ва тамадихонага кириб, нима ҳақидадир бир-бирлари билан гаплашишди. Мен Тамара (давлат далаҳовлиси ходимаси — К. С.) билан уларга чой тайёрлаш учун ошхонага кетдим ва ортимдан эшикни ёшиб қўйдим. 15 дақиқача ошхонада ўралашдим ва бирданга Николай Анисимович қичқиргани эшитдик.

Даҳлизга югуриб чиқиб, уни иккинчи қават зинапоясидан ташайганини кўрдик. У қаттиқ ҳаяжонда бўлиб, саросимага тушиб қолганди ва: «Хотиним ўзини отиб қўйди!» — деб бақирарди. Биз югуриб иккинчи қаватга кўтарилдик ва Светлана Владимировнани ётоқхона полида қора қонига беланиб ётганини кўрдик. Диванда тўшпонча тургани эсимда. Ўша ерда, Светлананинг оёқ томонида, сумкаси бор эди.

Николай Анисимович пардоз столнинг тортмаларини суғуриб, алам билан ҳайқирарди: «Ахир, у қандай қилиб ҳаёт билан видолашади-ю, бирон-бир хат қолдирмайди!»

Биз ётоқхонада узоғи билан уч-беш дақиқа бўлдик. Кейин кимдир «ОЗ» орқали «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилиш кераклигини айтди. Николай Анисимович «ўзининг поликлиникаси»дан врач чақирини лозимлигини билдирди. У олдинда, биз Тамара билан унга изма-из настга тушдик. Николай Анисимович анчагача телефон китобчасидан «Тез ёрдам» рақамини тополмади, кимгадир кўнғироқ қилиб, ёрдам сўради: «Хотинининг аҳволи оғир, ўлим тўшағида ётибди». Кейин ўғлини чақирди. Қизи кўёви билан ўзлари келишди — улар бу вақтда йўлда эканлар.

Николай Анисимович кўнғироқни йўқотган-дек: «Светасиз менга ҳаётнинг кераги йўқ», — деб алаҳсирарди. Ўзини отиб қўйишдан қўриқиб, биз тўшпончани эшик тепасига яшириб ташладик.

Ўз-ўзини ўлдириш сабаблари ҳақида нималар дейиш мумкин? Воқеа юз беришидан бир ҳафта олдин Шчелоковларга бу далаҳовлини ҳам бўша-тиш зарурлигини айтишди. Светлана Владимировнанинг фиғони фалакка чиқди ва жиққа кўз ёши билан: «Биз ҳеч кимга керак эмасмиз, ҳамма биздан юз ўгирди», — деган.

Далаҳовлига Бош ҳарбий прокуратура ходимлари етиб келишганида, фуқаро Т. уларга жимжимадор нақш билан безатилган ва асл перламутра қопланган 7,62 мм. ли тўшпончани топширди. Гилофдаги ёзуви-га қараганда, «Ортгис» (Эрфурт) белгили бу тўшпончани 1970 йил 9 майда Москва шаҳар ижрокўми ички ишлар бошқармаси фахрийлари Шчелоковга совға қилишганди. Жиний иш қўзғашни бекор қилиш тўғрисидаги қарордан кўчирма:

«...Текширув материалларига кўра шундай хулосага келинди: Шчелокова С. В. эрининг тўшпончаси қаерда сақланишини билган. Улуғ Ватан уруши пайти фронтда бўлган чоғида ўқотар қуролдан фойдаланиш уқувини эгаллаган... Шундай қилиб ҳодиса жойини кўздан кечириш, суд-тиббий ва криминалистик тадқиқотлар, гувоҳлар, қариндош-уруғлари ва бошқа кишилар тушунтиришлари, шунингдек, даволаш муассасаси хужжатлари Шчелокова С. В. ўта ҳаяжонли руҳий азоб чекиш вақтида ҳаётини ўз-ўзини ўлдириш билан тугаллаганидан етарлича тўлиқ далолат беради».

— Александр Филиппович, — яна Катусевга юзландим, — Шчелоковлар жуда ҳам қашшоқ эмасдилар-ку. Наҳотки, бир неча ўн минг сўмдан ажраш уларни ақлдан оздирса?! Далаҳовлиларини олиб қўйишайтгани ҳам улар учун оғир кулфат бўлиб-дими?! Ахир, Болшеводаги далаҳовли, Редкинодаги далаҳовли қолганди-ку! Бундан ташқари яна биттаси Николаина Горада қурилайтганди. Яна нима керак?

— Бизга шу маълум бўлдики, — сўз бошлади Катусев, — ўша машъум кун арафасида оилавий кенгаш бўлиб ўтган. Тор даврада янгилик муҳокама қилинган: Шчелоковнинг ўғлини ВЛКСМ МҚ Бюроси аъзолигига номзодликдан чиқаришган ва МҚ халқаро бўлими мудирлигидан бўша-тишган. Ўрпага бирон-бир жойини

[Давоми. Боши ўтган сонларда].

А. Стояров
ТУЗУМ



фарзанди



таклиф қилишмаган. Қандайдир ҳаракат қилиш, зудлик билан чора кўриш керак эди. Бироқ энди дурустроқ имконият қўлдан кетганди. Шунда Светлана Владимировна: «Ҳаммаси жонга теғди», — дея чуқур хўрсинганди.

— Ўғлининг амалдан тушиши, менимча, ўз-ўзини ўлдиришга сабаб бўлмайди, — таъкидладим мен. — Босиб қўйилган ҳазинаси билан, рўйхатга тушган амалсиз бўлсада, хиргойи қилиб яшайвериш мумкин эди. Шундай эмасми?!

— Бу мантиқа асосланган ақлнинг хулосаси, — жавоб қайтарди Катусев. — Энди уни ҳис-ҳаяжон тугёнга ташлаб кўринг-а. Назаримда жонига суиқасд қилишга пулни, давлат далаҳовлисини ва яна қандайдир моддий нарсани йўқотиш эмас, балки жамиятда олдин тутган ўрни билан ҳозиргиси ўртасидан улкан жарлик ўтгани сабаб бўлган. Светлана Владимировна кўз ўнгида орзудаги эмас, балки асл фаровонликнинг азалдан қад кўтарган қононаси, биллур саройи нураб борарди. Оиласига тўсатдан ёрилган кулфат унга беҳад адолатсизликдай туюларди. Зеро Шчелоковларнинг фикрича, юқорида ҳамон ўзларидан фарқи йўқ, бўлса ҳам ҳеч қанақасига яхши томондан эмас, кишилар роҳат-фароғатда яшардилар. Бу ўринда хотин эогининг худбинлиги бор бўйича кўриниб турибди: фалончи ёки писмадончига қараганда нега биз ёмон яшашимиз керак, ахир, улардан нимамиз кам?

— Эмак хотин дош беролмаган, эр эса чидамли чиққан?

— Шчелоков тошёнқ эди, — тасдиқлади Катусев. — Ҳар қандай пишган қиморбоздай у омад ҳаминча чопавермаслигини яхши биларди. Шу лаҳзада соб қиладиган даражада бўлмаса, у мағлубият қаршисида ваҳимага тушмасди. Кўнғилчан уй ходимаси тўшпончани яшириб, Николай Анисимович баҳосини ерга урганди. Агар у совуққонлигини йўқотса ҳам, бу ожизлик бир-икки дақиқа давом этарди, аммо ундан кўп эмас. Эътибор беринг-а, ҳодиса жойини текшириш пайтида терговчиларимиз марҳума сумкачасида юз сўмликнинг резинка ёрдамида труба-симон қилиб ўралган қалин таҳламини топишди. Хотинининг жасоди ёнида тик турган Шчелоков эса буни кўрган ва: «Бу билан ишларнинг бўлмасин», — дейдию пулни шимининг чўнтагига солади.

— Агар уни тўғри тушунган бўлсам, мени бир савол қийнайди. Нима у ҳеч нарсдан қўрқмаганми?

— Ўзини обрўсизлантирадиган ҳолатлар ҳақида билган кишилар сонини у роса камайтирганди. Ва «содиклар»нинг чурқ этмаслигига ишонарди. Унинг оғзидан қуйидаги сўзларни эшитишган: «Менга теғишолмайди, чунки кўп нарсдан хабардорман».

Ўзи хон, кўланкаси майдонликда айбашларидан у чўчимасди, чунки бу фақат Шчелоковнинггина яшаш тарзига айланмаганди, — изоҳ берди Катусев. — Ибтидоий чақимчиликка уни чинакамга даҳшатга соларди. Бироқ бундай хиёнат юз берса, оқизмай-томизмай етказганлар жазосиз қолмасди. Демак содиқлик ва вафодорлик туйғуларига эмас, балки ҳар бир одамга ҳос ўз-ўзини сақлаш сезгиси ҳам ҳисобга олинганди. Агар унинг югурдаклари ҳам қонунни тепкилашган бўлмаганларида, ҳаммаси Шчелоков пиштитиб қўйгандек борарди. Биз фактларни аниқлаб, уларни ҳисба олганимизда, сайрашга тушдилар. ИИВ ХБнинг собиқ бошлиғи ички хизмат генерал-майори Қалинин давлат хавфсизлиги кўмитасининг тергов қамоқхонасида айбини бўйнига олиб, қуйидагиларни яширмай ёзганди: «Турма кимлигини аниқлаб, ўз-ўзини таҳлил этишга мажбурлайдиган ажойиб жой экан». Ўз-ўзини элакдан ўтказиш машғулотни Қалининга оёқ тираб туриш оқибати унинг учун яхши эмаслигини шипшитгандир, балким. Шу пайтдан бошлаб тергов идоралари қўлига Шчелоковнинг беадад қабохатидан далолат берувчи жиний кўринишлар туша бошлади.

ХОННИНГ АМРИ ВОЖИБ

Шчелоков туғилган кунга 70 йил тўлиши арафасида ССЖИ молия вазирилик дават қўриқхонасидан «Налпако» фирмасининг чўнтақбоп олтин соати танлаб олинди. Генерал Калинин уни «Самоцветы» дўкони орқали харид қилинган тўғрисида хужжат тайёрлади. Давлатнинг 4 минг сўм пули эвазига келган нодир соатни Чурбанов қўлига тутқазди. У ўз навбатида Шчелоковга ИИВ ҳайъати номидан соатни совға сифатида топширди. Ортиқча бош қотирмаслик учун соатни совет-чехословак дўстлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида Густав Гусакга тортиқ қилинган-дек хужжатлаштиришди.

Кейинроқ Шчелоков Бош ҳарбий прокуратурадаги сўроқда Чурбанов соат ҳада қилганини инкор этмади. Уни бошқа шахсга бериб юборганини, у киши исми шарифини айтиш ноқулай эканлигини тушунтирди. Густав Гусакга берилган туҳфа ҳақида эса ўзига ҳеч нарса маълум эмаслигини билдирди.



Ушбу сурат ЧСЖ ички ишлар вазири Я. Обзини таклифига мувофиқ ССЖИ ички ишлар вазирилик делегацияси Чехословакка келганида олинган. СУРАТДА: Чехословакия Компартияси МҚ Ҳайъати аъзоси, Словакия Ком-

Агар бундай «тортиқбозлик» ягона бўлганда эди, Шчелоков кўрсатмасига чиша-чин ишонса арзирди. Афсуски, унинг сони юқорилаб борганди. Генерал Калинин терговга мана нималарни билдирганди:

«1976 йили асбобсозлик вазири Шўро Қўшини Марказий Уйида заргарлик буюмлари кўрсатмасини ташкил этди. У ердаги кумушдан ишланган вино сервис Шчелоковга ёқиб қолди. Шчелоков амри билан мен сервис учун 1271 сўм тўлаб, уни ХБ оморига келтирдим... 1982 йил ноябрда Шчелоков сервисни уйига олиб кетди. Менга эса уни хорижий меҳмонлардан бирортасига қилинган тортиқ тарзида ҳисобдан ўчиришга фармойиш берди. Худди шу пайтда Москвада Ангола ички ишлар идоралари делегацияси бор эди. Вино сервисини анголаликлардан фойдаланиб, ҳисобдан чиқардик.

Шчелоков буйруғига кўра Москва шаҳрида хорижий мебель ва қимматбаҳо маиший буюмлар билан жиҳозланган 9та «хизмат» хонадонни махсус объект сифатида расмийлаштирилди. Аслида эса бу хонадонларда Шчелоковларнинг қариндош-уруғлари ва таниш-билишлари туришарди. Масалан, Маршал Бирюзов кўчасидаги 24-уй хонадони Шчелоковлар чеварининг қизига саккиз йил бошпана бўлди. Краснобогатирский кўчасидаги 27-уй хонадонда вазирилик қариндошлари — биринчи тўрт йил Ч. оиласи, кейин эр-хотин К. Берзарин кўчасидаги 7-уйда Шчелоков рафиқасининг жияни фуқаро С. ва бошқалар яшардилар. Бу хонадонларнинг тутуми учун 62 минг сўм сарфланди.

Шчелоковлар оиласида янги узилган гулларни севишарди, албатта, бепулга тақдим этиб турилса. Ҳар дастасида 25 дондан бўлган қизилгул ва чинийгуллар ҳафтанинг жузма кун ва байрам арафаларида вазирилик оила аъзолари истиқомат қиладиган уйлارга вақтида етказиб бериларди. «Арзимас» ишқибозлик давлатга 36,3 минг сўмга тушди. Шчелоков, ўғли, қизи ва келини текинга гулдастали бўлишганини инкор қилишмади, фақат унинг сонига эътироз билдиришди. Шчелоков келини қўшимча изоҳ беришни унутмади: «Гулдастани офицер олиб келарди. Унвони қандайлигини билмасдим. Генераллик унвонидан бошқа унвонларни ажратавермайман...»

1981 йил августидан 1983 йил январигача «вазирилик шахсий топшириғини» бажарган тарих ва ҳуқуқ фанлари номзоди фуқаро А. га ички ишлар вазириликнинг қишки хизмат далаҳовлисидан бири бепулга бериб қўйилди. Унга «милиция полковниги» унвони беришди ва 548 сўмлик мансаб-маоши тайинлашди. Бироқ у қандай тайинли иш билан шуғулланганини аниқлашнинг сира иложи бўлмади. Терговда у Шчелоков қизига номзодлик илмий ишига ёрдамлашгани ҳақида маълумотлар етарли эди. «Полковник» Ирина Шчелоковага майда-чуйда маслаҳатдан ташқари ҳеч қандай хизмат кўрсатмаганини айтиб, оёғини тираб олди. Ундан нима учун далаҳовлидан фойдаланганига бирор тийин тўламаганини сўрашганда, «полковник» ғазаб билан жавоб қайтарди: «Ҳеч ким мендан пул талаб қилгани йўқ. Сўрашганда ҳам, мен тўламасдим. Чунки далаҳовли (у ерда хотини ва боласи билан яшарди) мен учун хизмат хонаси ҳисобланарди».

(Давоми бор).

партияси МҚ биринчи котиби Я. Ленарт (ўнгда) ва ССЖИ ички ишлар вазири армия генерали Н. Шчелоков суҳбат пайтида.

[Сурат 1977 йили олинган].



НУЛ ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА.

А. АКБАРОВ олган сурат.

Фарзандларни тинч қўйинг!

Бу ёруғ дунёда ҳар ким ҳам ҳаётнинг буюк неъматини — фарзанд учун яшайди. Бола-чақам деб ўзини ўтга, сувга уришга тайёр туради. Жигарбандимнинг оёғига кирадиган тикан меникига кирсин, у азоб чекмасин, дейди. Агар у озгина шамоллаб қолса, оёғи куйган товукдек ўзини қўярга жой тополмай қолади. Фарзанд фарзандда!

Фаргона шаҳриялик Марина олти яшар қизчаси Алёна пешонасидан ўлиб, ўрнига ётқизди. Ухлагунча китоб мутулаа қилиб ўтирди.

Кутилмаганда телефон қўнғироғи унинг диққатини бўлди. Китобни қизи ётган кароватнинг бир четига оҳиста қўйиб, телефон дастасини қулоғига тутди.

— Алло, салом Марина!
— Салом!
— Алёна ухлаётган бўлса керак?

— Ҳа, лекин кимсиз?
— Бунинг аҳамияти йўқ, гапимга диққат билан қулоқ солинг...

Марина аллақачон уйқуга кетган Алёнага хавотир аралаш бир қараб олдида, негадир овозини бир парда пасайтириб сўради.

— Сизга нима керак?
— Агар қизингиз соғ-саломат олдидан юрсин, десангиз, минг сўм тайёрлаб қўйинг. Акс ҳолда...

Шу тун Марина узук-юлуқ тушлар кўриб, босинқираб чиқди. Қулоғи остидан ўша хириллоқ товуш бир дақиқа бўлсин, кетмайди. Минг бир ҳадиқ билан кунни ўтказди. Кечқурун ўша киши иккинчи марта безовта қилди. Марина эртасига ҳам, индинига ҳам у билан гаплашди. Оромини буткул йўқотди.

Кунларнинг бирида эшити оҳиста чертлди. Очиши ҳамон уйга уч киши отилиб кирди.

— Мана, энди ўзингдан кўр! — деди ваҳожати ёмонроғи унга ташланиб. — Биз сени кўп огоҳлантирдик. Ақлли хотин бўлганингда, шартимизга кўнаринг. Энди ўзинг ҳам ҳаёт билан хайрлашасан!

Яхшиямки, Маринанинг акаси икки нафар ўртоғи

билан келиб қолди. Улар жанжаллашмади. Яхшиликча келишиди. Босқинчилар бошқа Маринани безовта қилмасликка сўз бериб чиқиб кетишди.

Орадан бир неча кун ўтгач, кўрқитишлар яна қайтадан бошланди.

— Агар беш юз сўм бермасанг, аввало қизингни, кейин акангни ва ниҳоят ўзингни тинчитамиз!

Иложи қолмаган онаизор шаҳар ИИБ биринчи бўлими бошлиғи милиция майори Ш. Худоёровага арз қилди.

— Майли, уларнинг айтганини қилинг. Пулни беринг, — деди у обдон ўйлаб олгач. — Лекин сира ҳам қўрқманг.

Марина навбатдаги қўнғироқ бўлганда пул беришга розилигини билдирди.

— Бўлмаса, эртага кеч соат олтида учрашамиз, — деди хириллаган киши ва учрашув жойини айтди.

Лекин ўша жойга Маринадан бошқа ҳеч ким бормади. Юраги ҳаприққан аёл беш юз сўмни маҳкам тутамлаганча уйига қайтди. ЖҚБ катта операвкили А. Отажонов ҳам у билан бирга келди.

Соат 6 дан 45 дақиқа ўтганда эшик тиқиллади.

— Хўш, пул тайёрми? — деб сўради рангит ўчган шахс совуққонлик билан.

— Ҳа, тайёр, — деди Марина пулни узатиб ва қўшиб қўйди. — Мени бошқа безовта қилманглар!

— Бу бошқа гап!

А. Отажонов орқасига қайтмоқчи бўлиб турган жиноятчининг қўлини қайирди. Кечга томон унинг бошқа шериклари ҳам ИИБга олиб келинди.

Тергов ҳаракатлари тугатилгандан кейин ширин фарзандларни гаровга олиб, пул ишлашга ўрганган бу муттаҳамларни муштарийларга рўй-рост таништириш ниятимиз бор.

Абдуҳаким АХМЕДОВ,
«Постда»нинг жамоатчи мухбири.

1986 йил 9 май. Хўжаобод тумани ИИБ навбатчилик қисмида эдигина постга тушган милиция капитани Саидакбар Акбаров шошилини ҳабар олди. Катта Фаргона каналининг жанубий қисмидаги 4-ГЭС тўғонидан боши, қўллари ва оёқлари кесиб ташланган, тахминан 30-35 ёшлардаги эркек кишининг жасади топилибди.

Оператив гуруҳ ходимлари зудлик билан йўлга чиқди. Уша жойнинг ўзида жасади шахсини аниқлаш бўйича тадбирлар белгиланди. Қидирув ишлари эса қўшни Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Уш вилоятининг Қорасув, Ўзган, Совет ва Олой туманларида олиб борилди. Лекин калаванинг учи топилиб қолаверди.

Орадан йиллар ўтди. Аммо бу мудҳиш воқеа милиция майори С. Акбаровга ҳамон тинчлик бермасди. У 1990 йилнинг январь ойида шу туман ички ишлар бўлимига бошлиқ ўринбосари этиб тайинлангандан кейин қидирув ишларини яна давом эттирди. Яқинда эса...

Қўрғонтепа туманининг Султонобод қишлоғида яшовчи Адҳам волидасининг олдида бир умр қарздор эди. Ҳар бир ақли-ҳуши жойида бўлган фарзанд сингари белида белбоғи бор бу йигит ҳам ўша қарзини озми-кўпми узмоғи, онасининг хизматида бўлиб, дуоларини олмоғи шарт эди. Афсуски, бу нобакор фарзандлик бурчини адо этишга ярамади. Ярамадигина эмас, балки гуноҳнинг оғир юкини бўйнига олиб ҳам кетди. Холбуки, онаси уни еру кўкка ишонмай улағайтирган, ҳадемай ёнимга кириб қолади, укаларини орқасидан эргаштиради, ишонган тоғим, суянчим бўлади, деб умид қиларди. Бироқ ўйлаганлари сароб бўлиб чиқди. Қанд ейман деб, кесак чайнабди.

— Хотинимнинг уйига келиб қолишига сен сабабчи бўлдинг, — деб ўшқирди ўғил онасига. — Энди унинг вазифасини сен бажарасан!

Бу гапдан муштипар аёлнинг вужуди титраб кетди. Уятдан, ор-номусдан ер ёрилса-ю, унинг қаърига кириб кетишга тайёр эди. Ширакайф Адҳам қилаётган дағдаларидан қониқмади, шекилли, онасига ташланиб, унга жисмоний куч ишлата бошлади.

— Ака, нима қиляпсиз, — деб Абдумалик жон ҳолатда унга ташланди.

Гулнора ҳам: «Жон ака, онамга тегманг», — дея юзини қўллари билан беркитганча чинқирди. Адҳамнинг

важохатидан эса юзлари даҳшатли тус олган эди. У: «Йўқол ҳамманг», — деб ҳайқирганича укаларини улоқтириб ташлади ва онасининг зорланишига ҳам қарамай зарб билан уриб, бечорани йиқитди. Талвасага тушган Адҳамнинг безорилиги тобора авжига чиқарди. Волидасининг қўйлақларини тилка-пора қилиб, йиртиб ташлади.

Шармандаликни кўришни ўзи ўта шармандалик эди. Бу ҳолга чидай олмаган Абдумалик ҳам қаттиқ ҳаяжонда эди. Акасини ажратиб олай деса, кучи етмайди. Нима қилиш керак? Шундан кейин у юргунанича уйга кирди-да, болта кўтариб чиқди. Сўнг ваҳшийлашиб кетган акасининг бошига туширди.

Ҳа, йигит кишига бало йўқ, бироқ у ўзини Салога

БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ

гирифтор қилади, деб бежиз айтишмаган экан. Адҳам ҳам ўз ихтиёри билан ўзига ўлим тилаб олди.

Абдумалик содир бўлган фожиа ҳақида милицияга ҳабар бермоқчи бўлди. Бироқ онаси унинг йўлини тўсди.

— Йўқ болам, милицияга борма, сендан ҳам айрилиб қолмайин, — дея Пулпашхон ая илтижо қила бошлади. Унда нима қиламиз? Қандай қилиб изни йўқотиш керак? Саросимада қолган Абдумаликнинг миёсида турли хаёллар чарх ура бошлади. Ниҳоят йўлини топди. Зудлик билан ҳожатхонанинг бир чеккасидан чуқур қазидида, ҳали совуб улгурмаган мурдани ўша ерга кўмди.

Шу кундан бошлаб хонадондан файз кетди. Ойла аъзолари қарахт эдилар. Гўёки борлиқни зулмат қоплаб олгандек. Ахир, ҳовлининг бир бурчагида маҳфий қабр бўлгач, қандай қилиб ҳаловатда яшасинлар?

Кишининг ҳаётида бир умр жароҳат қолдирувчи бу фожиа бир неча сонияларда содир бўлди, холос. Агарда Адҳам шу дақиқаларда ўзини қўлга ола билиб инсонийлик

қиефасини йўқотмаганда эди, турмушлари яна аввалгидек изига тушиб кетарди. Боз устига ўзи ҳам ажалидан бурун қабристон қолиб, ҳожатхонага кўмилмаган бўларди.

Орадан уч кунча вақт ўтди. Пулпашхон ая бу жафоларга бардош беролмай бандаликни бажо келтирди. Ҳамма уввос солиб йиғлади. Ҳеч нарсадан хабари йўқ ота ҳам сирдошидан айрилиб қолганидан лол қотди. Соппа-соғ юрган аянинг тўсатдан вафот этиши қўни-қўшиллар ва қариндош-уруғларни ҳам таажжубга солди.

Шу тариқа она вафоти ошкор, ўғил фожиаси пинҳон тутилди.

Шаҳрихонсойда сув пайдо бўлиши билан Абдумалик яна қўлга болта олди. Мақсади жиноят изларини батамом йўқотиш эди. У жасадини кавлаб олди ва оёқ-қўллари чопиб, бўлақларга ажратди. Кейин эса сойнинг Султонобод қишлоғидан оқиб ўтувчи қисмига олиб бориб улоқтирди.

Эрта баҳорда пишқириб оқаётган сой бошсиз ва қўлоёқсиз танани ҳушламайгина ўз қомига олди. Бекафан кўмилган инсон яна бекафан кетди. Ҳамма сиққан мазор унга насиб этмади.

Эй, яхшилар, она қарғишидан қўрқайлик. Она қарғишига учраганлар бахтиқаро бўлади. Уларнинг нафрат ўти тирикларнинггина эмас, ҳаттоки, ўликларни ҳам хорлайди. Имоним бут бўлсин, умримга умр қўшилсин, фарзандларимдан қайтмасин, деганлар ота-онасини ранжитмайди. Дағал гапириб, кўнглини оғритмайди, юзига тик қараб, гуноҳга ботмайди. Аксинча, уларнинг хизматларида бўлиб, дуосини олади. Шундагина бир кам бу дунёда хорлик кўрмайди. Бир донашман: «Уч юз «Кўҳи қоф»ни ўғирда туйиш, фалақининг тўққиз гўмбазини юрак қони билан суваб чиқиш она таърифига сўз топишдир, осовроқдир», — деган экан.

Адҳам Раҳмоновнинг қотили сирлиғича, яримта жасади эса номаълумлиғича қолиб кетавериши мумкин эди. Бироқ Саидакбар Акбаров бошчилик қилган оператив вакиллар ҳамда вилоят прокуратураси терговчиларидан Дилшодбек Исроилов ва Жумабой Тожиевлар бунга йўл қўймадилар.

Р. ОТАХОНОВ,
Андижон вилоти ИИБ матбуот гуруҳи ходими ички хизмат майори.
О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Коммунист» рўзномасининг бўлим мудир.

АКС-САДО

ДАЙДИЛАРГА ИЗЗАТ КЕРАКМАС

«Постда» рўзномасида чоп этилган «Хиёбондаги кимсалар» номли мақолани диққат билан ўқиб чиқдим. Лекин унда илгари сурилган фикрларга мутлақо қўшилмайман. Нега энди юртимизга мўр-малахдай ёнирилиб келаётган дайдиларга ёрдам беришимиз керак экан? Россия қишлоқларида ишчи кучи етишмаётган бир маҳалда у ёқдан қочиб келаётган ишқамсларни боқшимиз керакми? Йўқ. Аксинча, уларни қардан келган бўлса, ўша ерга қайтариб юбориш лозим. Улар олдин ўз ватани қадрига етишни ўрганишсин. Шундоқ ҳам Ўзбекистонда тайинсиз одамлар кўпайиб кетди. Етар энди!

Фарида ОХУНОВА.

Хаётин шу каби хавф остида қолдириш шарт эмас. Рўзномамизга обуна бўлиб, уни тинчгина уйда олинган нима етсин!

Обуна рақами: 64615

ОБУНА БАҲОСИ: 1 ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бесмаҳонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД УзССР 26609 нусхада чоп этилди.